

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРДАЕВА ДИЛФУЗА РАИМОВНА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ МИФОЛОГИЯ
ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ
(Ч.Айтматов, Ш.Рашидов, А.Мухтор, Т.Зулфиқоров, А.Алимжанов,
О.Бокеев ва Р.Эсенов ижоди мисолида)

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УДК: 8.08:292

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам
The contents of the dissertation abstract of a Doctor of Philosophy (PhD) in Philology

Пардаева Дилфуза Раимовна

Марказий Осиё ёзувчиларининг мифология элементларидан фойдаланиш маҳорати (Ч.Айтматов, Ш.Рашидов, А.Мухтор, Т.Зулфиқоров, А.Алимжанов, О.Бокеев ва Р.Эсенов ижоди мисолида)..... 3

Пардаева Дилфуза Раимовна

Мастерство писателей Центральной Азии в использовании элементов мифологии (на примере творчества Ч.Айтматова, Ш.Рашидова, А.Мухтара, Т.Зулфикарова, А.Алимджанова, О.Бокеева и Р.Эсенова)..... 23

Pardayeva Dिल्фуза Raimovna

Mastery of writers of Central Asia in using mythological elements (on the example of the works of Ch.Aitmatov, Sh.Rashidov, A.Mukhtar, T.Zulfikarov A.Alimjanov, O.Bokeev and R.Esenov)43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРДАЕВА ДИЛФУЗА РАИМОВНА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ МИФОЛОГИЯ
ЭЛЕМЕНТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ
(Ч.Айтматов, Ш.Рашидов, А.Мухтор, Т.Зулфиқоров, А.Алимжанов,
О.Бокеев ва Р.Эсенов ижоди мисолида)

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.4.PhD/Fil1064 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Йўлдошев Бойназар Йўлдошевич филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Жўраева Малоҳат Муҳаммадовна филология фанлари доктори, доцент Муродов Ғайрат Некович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/03.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» май соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2021 йил «05» май куни тарқатилди.
(2021 йил «05» май даги № 1019 - рақамли реестр баённомаси.)



Д.С.Ўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., профессор

З.И.Расулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

М.М.Жўраева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошларида мифологиянинг бадий адабиётдаги ўрни, мифларнинг келиб чиқиши, уларнинг функционалиги, мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, мифологик мантиқ ва миф поэтикаси масалалари тадқиқига қизиқиш янада кучайди. Бунда миф яратишнинг марказида ётган мифологизация жараёнини, унинг мақсади ва маънавий-ахлоқий аҳамиятини, шунингдек, Марказий Осиё халқлари адабиётининг умумий этногенетик илдизларини, асрий маданий анъаналарини миллий мифологиялар кесимида қиёслаш алоҳида долзарблик касб этади. Бадий адабиёт контекстида мифологик элементлар қўлланишининг таҳлили миф поэтикаси функцияларини, унинг тадрижий босқичларини амалий жиҳатдан асослашга имкон яратади.

Дунё адабий жараёнида мифларнинг поэтик ижод билан ўзаро боғлиқлиги, унинг генезиси ва поэтикасини қўллаш эволюцияси, бадий функционалиги масалаларини ўрганиш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Миллий дунёқараши бир-бирига яқин бўлган Марказий Осиё халқлари замонавий адабиётида ижодкорларнинг мифологик элементларни ишлатиш маҳоратини, мифларнинг интертекстуал функционалиги, типологик вазифаларини адабий мифопоэтик анъана ва жанр поэтикаси кесимида муқоясавий таҳлил қилиш миф поэтикасининг трансформацион тамойилларини, композицион ҳамда бадий шакл-мазмун яхлитлигини таъминлашдаги вазифаларини, фалсафий-этик концепциясини илмий далиллашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда юз бераётган ислоҳотлар даврида илм-фан тараққиёти, халқимиз маънавий ва маданий хазинасидан жой олган бадий адабиёт дурдоналарининг дунё адабий-фалсафий контекстида кенг қулоч ёйиши диний-тарихий илдизлари туташган ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман халқлари миллий адабий меросини Шарқ менталитети ғоявий-эстетик анъаналарида талқин қилишга катта эътибор берилмоқда. «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир»¹. Мазкур ғояга ҳамоҳанг тарзда борлиқни бадий талқин қилиш мақсадида XX аср Марказий Осиё халқлари адабиёти ёрқин намояндалари Ч.Айтматов, Ш.Рашидов, А.Мухтор, Т.Зулфиқоров, А.Алимжанов, О.Бокеев ва Р.Эсенов каби ижодкорларнинг асарларида воқеланган, адабиёт ривожининг дастлабки босқичида намоён бўладиган миф поэтикасининг илмий муқоясаси халқаро миқёсда адабиёт, маданият, маънавиятни фалсафий-этик концепция руҳида талқин қилиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

“Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 376-сон «Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антик даврдаёқ Платон ва Аристотел каби қадимги файласуфларнинг асарларида мифологизм муаммосини тушунишга биринчи уринишлар пайдо бўлди: Платонда афсона «нутқ» ёки «фикр» маъноларига эга эди, Аристотел бу атамага «фабула», «сюжет», «афсона» маъноларини беради. Мифнинг ижтимоий ролини тушунишга ўрта асрларда ҳам асосий эътибор қаратилган. Ж.Виконинг² фикрича, афсоналар инсон тасаввуридан келиб чиққан шеърӣ ҳикоялардир.

Миф генезисини ўрганишда А.Ф.Лосев, В.М.Найдиш асарлари методологик ва илмий асослар бўлиб хизмат қилади, О.М.Фрейденберг, Я.Е.Голосовкер, Стеблин-Каменскийлар ҳам худди шу муаммо устида самарали ишладилар. Миф ва адабиёт муаммосини ўрганишга Е.М. Мелетинский, М.М.Бахтин, Ю.М.Лотман сингари йирик тадқиқотчилар ўз илмий ишларини бағишладилар. Ушбу муаммони ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари орасида «Миф. Фольклор. Литература», «Ўзбек фольклоршунослиги масалалари», «Миф, фольклор ва адабиёт» М.Жўраев, М.Нарзикулова монографияларини ҳам қайд ўтиш лозим. Адабиётда мифларнинг қўлланилиши масаласи Н. Фрайнинг асарларида биринчи ва асосий ўринни эгаллайди. Мифларнинг келиб чиқиши, уларнинг функционалиги, мифологик тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, мифологик мантиқ ва миф поэтикаси Дж.Вико, Ж.Ф.Лафито, Гегель, М.Мюллер, Ф.В. Шеллинг, Ницше, Э.Б.Тайлор, Д.Фрезер, Б.Малиновский, З.Фрейд, К.Г.Юнг каби таниқли олимлар асарларида ҳам ўз ифодасини топди. Замонавий олимлардан Леви-Брюлл, К. Леви-Стросс, М. Бодкин, Н.Фрай, Э. Кассирер, М. Элиаде, ўзбек олимларидан М.Жўраев ва

² Платон. Государство. – В режиме доступа: http://lib.ru/POEEAST/PLATO/gosudarstvo.txt_with-big-pictures.html. Аристотель. Поэтика. - В режиме доступа: <https://www.e-reading.club/bookreader.php/2833/Aristotel%27-Poetika.html>. Вико Дж. Основания новой науки об общей природе наций. - В режиме доступа: <http://abuss.narod.ru/Biblio/vico.htm>.

Ш.Шомусаров, Ж.Эшонкуловлар³ мифларнинг тузилиши ва генезиси, миф ва адабиёт ўртасидаги муносабатлар муаммосига алоҳида аҳамият беришган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, XX аср Марказий Осиё халқлари адабиёти ёрқин намояндалари Ч. Айтматов, Ш. Рашидов, А. Мухтор, Т. Зулфиқоров, А.Алимжанов, О. Бокеев ва Р.Эсенов каби ижодкорларнинг асарларида воқеланган, адабиёт ривожининг дастлабки босқичида намоён бўладиган миф поэтикаси қиёсий аспектда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қиёсий адабиётшунослик муаммоларини ўрганиш масалалари» (2017-2021 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиё ёзувчилари ижодида мифологик элементлар қўлланишининг ўзига хосликларини қиёсий-типологик аспектда аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мифнинг назарий асосларини ўрганиш ва миф поэтикасининг функционаллигини, унинг генезиси ва эволюциясини очиқ бериш;

ўзбек ёзувчиси Ш. Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”, “Икки дил достони”, қирғиз ёзувчиси Ч.Айтматовнинг “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссаларидаги мифологик элементларни аниқлаш;

³ Лосев А.Ф. Диалектика мифа. – М.: Правда, 1990. - (электронная версия книги из Библиотечного Фонда содействия развития психической культуры (Киев)). Лосев А.Ф. Философия. Мифология. Культура. - М.: Политиздат, 1991. – 524 с. Найдыш В. М. Философия мифологии. XIX - начало XXI в. - М.: изд. Альфа-М, 2004, - 544 с. Найдыш В.М. Мифология. - М.: КНОРУС, 2010. – 426 с. Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. - М.: Восточная литература РАН, 1998. – 800 с. Фрейденберг О.М. Поэтика сюжета и жанра. /подготовка текста, справочно-научный аппарат, предвведение, послесловие Н.В. Брагинской. - М.: Лабиринт, 1997. - 448 с. Голосовкер Я.Э. Логика мифа. / Я.Э. Голосовкер. - М.: Наука, 1987.- 218 с. Стеблин-Каменский М.И. Миф. – М.: Наука, 1976. – 104 с. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. - М.: Наука, 1976. – 406 с. Мелетинский Е.М. От мифа к литературе. – М.: Российский государственный гуманитарный университет, 2001. – 168 с. Мелетинский, Е. М. О литературных архетипах / Е. М. Мелетинский. - М.: Художественная литература, 1994. - 315 с. Мелетинский Е.М. Структура волшебной сказки. – М.: Российский гос. гуманитарный университет, 2001. – 234 с. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. Сост. С. Болгаров, В. Кожин. - М.: Худож. литература, 1986. - 543 с. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. //В электронной библиотеке Royallib.ru. Лотман Ю. М. Избранные статьи: в 3 томах. - Таллинн: Александра, 1992-1993. Миф - фольклор – литература. - Л.: Наука, 1978. – 252 с. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари //VII китоб. – Т.: Фан., 2018. – 200 б. Миф, фольклор ва адабиёт. /Маматкул Жураев, Манзура Нарзикулова. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 184 с. Шеллинг Ф.В. Философия искусства. - М.: Мысль, 1966. – 496 с. Малиновский Б. Магия, наука и религия. Пер. с англ. - М.: Рефл-бук, 1998. – 304 с. Тайлор Э. Б. Первобытная культура: Пер. с англ.- М.: Политиздат, 1989.- 573 с. Леви-Брюль Л. Первобытное мышление // Сверхъестественное в первобытном мышлении. - М., 1994. – 338 с. Леви-Стросс К. Мифологии. В 4-х томах. - Санкт-Петербург: Университетская книга, 1999. Фрай Н. Анатомия критики. Очерк первый. - В режиме доступа: http://readeralexey.narod.ru/Library/Frye_1987.pdf. Кассирер Э. Философия символических форм. Т.2. Мифологическое мышление. - М.: СПб.: Университетская книга, 2001. - 280 с. Элиаде М. Аспекты мифа./Пер. с фр. В.П.Большакова. - 4 изд.- М.: Академический проект, 2010.- 251 с. Жураев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 с. Эшонкул Ж. Эпик тафаккур тадрижи. – Т.: Фан, 2006. – 122 с. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. – Т.: Фан, 2018. – 200 б.

таниқли тожик ва қозоқ ёзувчилари Т.Зулфиқоровнинг “Бахром-Гўр Сосонийнинг ови” ва О. Бокеевнинг “Буғу одам” асарларида қўлланилган мифларнинг бадиий-эстетик вазифаларини ёритиш;

Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, А. Мухторнинг “Чинор”, А.Алимжановнинг “Махамбет ўқи” ва Р.Эсеновнинг “Дарбадар соҳибқирон” романларидаги мифларни ўзаро қиёсий аспектда ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ч.Айтматов, Ш.Рашидов, А.Мухтор, Т.Зулфиқоров, А.Алимжанов, О.Бокеев ва Р.Эсеновнинг мифология элементлари қўлланилган асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини юқорида номлари зикр этилган ёзувчиларнинг ўз асарларида миф ва унинг поэтикасидан фойдаланишдаги маҳорати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, интертекстуал, функционал-интерпретацион ҳамда лингвопоэтик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миф поэтикаси ва мифологизация жараёни мифологик мотивлар, такрорлашлар ва рефренлар тизими, инициация маросимлари тузилмасидан фойдаланилган ҳолда бадиий шаклни яратиш орқали амалга ошириши асосланган;

Марказий Осиё замонавий адабиёти ёзувчиларининг ўз ижодида мифологик элементлардан фойдаланиш маҳоратидаги муштарак жиҳатлар ҳаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, дўстлик - хиёнат, ҳақиқат - ёлғон, ишонч - ишончсизлик каби бинар оппозицияли сюжетлар, композициялар яратишда намоён бўлиши исботланган;

қиёсланаётган асарларнинг бадиий тузилишидаги мифологик онг, вақт ва макон каби миф элементлари; миф поэтикасининг даврийлик, ритмлик, рамзийлик, муқаддасланиш, антропоморфизм сингари функционал элементлари миф назарияларининг рамзий, маросимий, психологик ва шаклий (структурал) йўналишларини белгилаши аниқланган;

Ч. Айтматовнинг “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаетган олапар” қиссаларида бинар оппозициялари, даврийлик, антропоморфизм сингари мифологик элементлардан фойдаланиш маҳорати, миллий мифларнинг реал ҳаётий воқеаларни рамзий тарзда намоён этиш, қаҳрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш воситаси каби композицион вазифаларни бажариши, уларнинг мазмун ва бадиий шакл яхлитлигини таъминлашдаги вазифалари далилланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миф ва иккиламчи типологик ўхшаш ҳодисалар, ривоят, эртак, афсона ўртасидаги фарқлар аниқланди;

қадимги, ўрта аср туркий адабиётида миф поэтикасининг келиб чиқиши, ривожланишининг асосий тенденциялари ва ўзига хослиги кузатилган;

Ш. Рашидовнинг “Кашмир қўшиғи”, “Икки қалб достони” асарларида миф поэтикасига хос бўлган асосий бадиий-ифодалари воситалари ҳамда

О.Бокеев, Т. Зулфиқоров ижодида миф поэтикасининг трансформацияси, функционалиги ва унга индивидуал ёндашув тамойиллари далилланган;

Ч. Айтматовнинг “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссаларида бинар оппозициялари, даврийлик, антропоморфизм сингари мифологик элементлардан фойдаланиш маҳорати, миллий мифларнинг реал ҳаётий воқеаларни рамзий тарзда намоён этиш, қаҳрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш воситаси каби композицион вазифаларни бажариши, уларнинг мазмун ва бадиий шакл яхлитлигини таъминлашдаги вазифалари далилланган;

Ч.Айтматовнинг “Қиёмат”, А. Мухторнинг “Чинор”, А.Алимжановнинг “Махамбет ўқи” ва Р.Эсенонинг “Дарбадар соҳибқирон” романларида миф ва унинг поэтикаси функциялари аниқланган;

қиёсий таҳлил асосида ёзувчилар томонидан мифлардан фойдаланишнинг ўхшаш ва ўзига хос томонлари ўрганилиб, тартибга солинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг қиёсий-тарихий, интертекстуал, функционал-интерпретацион, лингвопоэтик таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётда миф поэтикасини, миф ва адабиётнинг ўзаро таъсирининг функционал имкониятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар доирасини кенгайтиришга, Марказий Осиё халқларининг этно-генетик, яъни қардош адабиётларининг ўзаро таъсири, уларнинг моҳияти ва ўзига хослигини ўрганишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги тарихини, шунингдек, адабиётлараро алоқалар ва ҳамкорлик, адабий таъсир муаммоларини ўрганишда, олий ўқув юртлиги филология факультетларида қиёсий адабиётшунослик ва адабиёт назарияси фанларини ўқитишда, шу фанлар бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва дастурлар тузишда, адабиётшуносликка оид дарс машғулотларида, байналмилал адабий-маданий алоқалар тарихидан илмий изланишлар олиб боришда, фольклор фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда; энциклопедик, фольклор ва адабиётшунослик терминлари луғатларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марказий Осиё ёзувчилари ижодида миф элементларининг қўлланилиши борасида олиб борилган тадқиқот юзасидан эришилган натижалар асосида:

Марказий Осиё замонавий адабиёти ёзувчиларининг ўз ижодида мифологик элементлардан фойдаланиш маҳоратидаги муштарак жиҳатлари

хаёт ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, дўстлик - хиёнат, ҳақиқат - ёлғон, ишонч - ишончсизлик каби бинар оппозицияли сюжетлар, композициялар яратишда намоён бўлишига оид илмий хулосалардан 2003–2007 йилларда бажарилган ОТ-Ф7-5117 рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1117-сонли маълумотномаси). Натижада адабиётда миф поэтикаси ўрнини ўрганишга бағишланган изланишларда, Марказий Осиё халқлари адабиётларида миф ва адабиётнинг ўзаро таъсири ҳамда миф поэтикаси орқали комил инсон концепциясини тарихини асослаш бўйича муайян хулосалар чиқариш имконини берган;

миф поэтикаси ва мифологизация жараёни мифологик мотивлар, такрорлашлар ва рефренлар тизими, инициация маросимлари тузилмасидан фойдаланилган ҳолда бадиий шаклни яратишга доир илмий натижаларидан 2012-2016 йилларда бажарилган Ф-10-06 рақамли “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1117-сонли маълумотномаси). Натижада ёзма адабиётда анъана ва новаторликнинг ижодий индивидуаллик билан боғлиқлиги асосланган;

Ч. Айтматовнинг “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссаларида бинар оппозициялари, даврийлик, антропоморфизм сингари мифологик элементлардан фойдаланиш маҳорати, миллий мифларнинг реал ҳаётий воқеаларни рамзий тарзда намоён этиш, қаҳрамон руҳиятини акс эттириш, асарнинг ғоясини ёритиб бериш воситаси каби композицион вазифаларни бажариши, уларнинг мазмун ва бадиий шакл яхлитлигини таъминлашдаги вазифалари билан боғлиқ илмий қарашлардан Ўзбекистон Республикаси Тожиқ маданий-миллий марказининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа ва илмий-амалий тадбирларни шакллантириш ва ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Тожиқ маданий миллий марказининг 2020 йил 23 сентябрдаги 01-25 сонли маълумотномаси). Натижада адабиётда миф поэтикасини ўрнини ўрганишга бағишланган изланишларда, Марказий осий халқлари адабиётларида миф ва адабиётнинг ўзаро таъсири ҳамда миф поэтикаси орқали инсониятни ҳар доим ўйлантириб келган ҳамда ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган тушунчаларни асослаш бўйича муайян хулосалар чиқариш имконини берган;

қиёсланаётган асарларнинг бадиий тузилишидаги мифологик онг, вақт ва макон каби миф элементлари; миф поэтикасининг даврийлик, ритмлик, рамзийлик, муқаддасланиш, антропоморфизм сингари функционал элементлари миф назарияларининг рамзий, маросимий, психологик ва шаклий (структурал) йўналишларига доир хусусиятлар ёритилган хулосалардан “Qashqadaryo” телеканалининг “Альманах”, “Интеллект шоу” дастурлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилоят

телерадиокомпаниясининг 2020 йил 06 февралдаги 94-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларнинг илмий-оммабоплиги таъминланиб, ёш авлоднинг бадиий-эстетик тақомилига оид фикр-мулоҳазалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 8 та республика ва 3 та вилоят миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий ва 2 та мақола юқори импакт факторли журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мазкур диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ҳамда диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи боби “Ҳозирги замон адабиётида мифнинг бадиий хусусиятлари”** деб номланади, уч фаслдан иборат бўлиб, унда мифга тушунча берилади, миф поэтикаси таҳлил қилинади ҳамда мифнинг афсона, эртак ва ривоятдан фарқли жиҳатларига тўхталиб алоҳида урғуланади. Ўрта аср туркий адабиётида миф поэтикасидан фойдаланишнинг келиб чиқиши кўриб чиқилади.

Бадиий асарда мифнинг бадиий функциялари масаласи бугунги кунгача давом этаётган мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Икки томдан иборат “Дунё халқлари мифлари” китобининг биринчи томида С.А.Токарев ва Е.М.Мелетинскийларнинг мақоласида “миф” терминига шундай таъриф берилади: “Миф – бу тавсиф, фантастик тарзда тасвирланадиган “ҳикояларнинг” йиғиндиси, лекин бу сўзшунослик (словесности) жанри эмас, балки тавсиф шаклини олган борлиқ ҳақидаги тасаввурлардир”⁴. Демак, ушбу мақолада миф дунё ҳақидаги қарашларнинг тизими деб қабул қилинмоқда. Кейинги манбага эътиборни қаратамиз.

⁴ Мифы народов мира. В 2-х томах. Т.1. – М.: Советская энциклопедия, 1992. – С.14

Антик мифологиянинг йирик тадқиқотчиси А.Ф.Лосев “Миф диалектикаси” китобида мифга қуйидагича таъриф беради: “Миф ҳаётнинг ақлий рамзи, унинг зарурати диалектик жиҳатдан аниқ ёки – рамзий берилган ҳаёт идроки”⁵. А.Ф.Лосевнинг таърифида миф тушунчасининг диалектикаси мифологик онг томонидан борлиқни акс эттириш деб қаралади.

Мифологиянинг замонавий тадқиқотчиси, фолклорист А. Баркова шундай ёзади: “Миф - бу борлиқни одамлар дунёси ва бошқа дунёнинг ўзаро таъсирига асосланган ва оғзаки, тасвирий ёки ҳаракат орқали, яъни ритуал тарзда иррационал англаш”⁶. А. Баркованинг баёнотида асосланиб, миф, биринчи навбатда, тасаввур маҳсули ва уч шаклда намоён бўлади.

Шундай қилиб, мифнинг кўпгина талқинларини кўриш мумкин, уларнинг ичида А.Ф.Лосев ва А.Баркованинг қарашлари бизнинг фикримизга яқинроқдир.

Миф теорияларининг этиологик⁷ (ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида) ва эсхатологик⁸ (охир замон ҳақида) турларининг мавжудлиги ва улар тўртта йўналишда ўрганилганлигини таъкидлаш мумкин: рамзий, маросимий, психологик ва шаклий (структурал).

Мифнинг бадий адабиётда бажарадиган функциялари борасидаги мунозалар ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Танқидчилар, адабиётшунослар, айниқса, миф поэтикаси билан боғлиқ муаммолар, унинг функционал аҳамияти ва бадий асарлар матнига айланиб бориши ҳақида таъкидламоқдалар.

Бадий адабиётда миф поэтикасидан фойдаланиш ижодкорга бу ўзгарувчан дунёдаги яхшилик ва ёмонлик муаммоларида абадий-ахлоқий таянч ва қадриятларни топишга, инсоннинг маънавий ривожланиш қонуниятларида ўз-ўзини англашга ёрдам беради.

Миф поэтикасини методологик ва конкрет - тарихий аспектларда ўрганиш учун “поэтика” атамасининг моҳиятини тушуниш лозим.

Замонавий тадқиқотчи Г. Ҳаллиеванинг “Қиёсий адабиётшунослик” китобида қуйидаги талқин кузатилади: “Поэтика” – юнончадан олинган бўлиб “санъат, яратувчанлик, маҳорат” – деган маъноларни билдиради”⁹. Биз ўз ишимизда Марказий Осиё ёзувчилари ижодида миф поэтикасини ёритиб беришга ва мифопоэтик элементларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Е. М. Мелетинский ўзининг “Миф поэтикаси” китобида қайд этганидек, “миф поэтикаси ёки мифологизация поэтикаси - XIX аср классик романи структурасининг қулаши ёки қаттиқ бузилишидан кейин баён этиш усулларида биридик, аввал замонавий ҳаёт материални тартибга солиш ва ички (микropsихологик) ҳаракатни тузишга ёрдам берувчи параллеллар ва рамзлар орқали, сўнгра эса жамоавий онг ва умумжаҳон тарихни баравар структурлаштирадиган мустақил “мифологик” сюжетни яратиш орқали

⁵ Лосев А.Ф. Диалектика мифа. – М.: Правда, 1990. - (электронная версия книги из Библиотечного Фонда содействия развития психической культуры (Киев)).

⁶ Баркова А.Л. Введение в мифологию. – М.: Рипол классик, 2018. – С.9.

⁷ Мифы народов мира. В 2-х т. Т.2. - М.: Советская энциклопедия, 1992. – С. 672.

⁸ Там же. – С. 670.

⁹ Халлиева Г. Қиёсий адабиётшунослик. //Ўқув қўлланма. – Т.: Mumtoz so'z, 2020. – С.46.

ифодалашдир”¹⁰. Демак, миф поэтикаси вазиятни метафорик тасвирлаш орқали баён қилиш, шунингдек матнни семантик ва композицион ташкил этиш усули эканлигини таъкидлаш мумкин. Буни эса Ч. Айтматов, Ш. Рашидов, А. Мухтор, А. Алимжанов, О. Бокеев, Т. Зулфиқоров, Р.Эсенов каби Марказий Осиё ёзувчиларининг миф поэтикасининг трансформациясидан эпик жанрлардаги асарларида фаол фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Қадимги мифологиянинг таъсири, мифларни сюжетда, қаҳрамонлар характерларини яратишда тавсиф услубини қўлланилишини XI асрнинг буюк намояндаси Юсуф Хос Хожиб¹¹ ижодида кузатиш мумкин. Ўз ижодида шоир туркий мифология элементларига мурожаат қилади. Унинг “Қутадғу билиг” асаридаги тўрт нафар асосий қаҳрамонлар – Кунтуғди, Ойтўлди, Уғдилмиш, Ўзгурмишлар туркий мифологиядан олинган. Миф арсеналини ижодий қайта ишлаб, унинг бадий поэтикасига таянган ҳолда Кунтуғди ва Ойтўлди образлари орқали Юсуф Хос Хожиб ўзининг давлат ва адолатлилик концепцияларини очиқ беради ва ўз даврининг ғоявий йўналишларини асослаш мақсадида фойдаланади.

XV аср буюк маърифатпарвар ўзбек шоири Алишер Навоий ҳам ўз ижодида қадимги мифларга мурожаат қилади. Навоий миф сюжетларини ўз асарларида баъзида янги кўринишларини берган ва асосий мотивларини сақлаган ҳолда эркин қўлланишиларига эришилган. Алишер Навоийнинг асарларида дев, яъжуж, маъжуж, пари, Семурғ, Қаямарс, Заххок сингари мифологик персонажларни учратиш мумкин. Ундан ташқари ҳаёт дарахти, тирик сув, қуёш, ой, шамол, юлдуз ва шунга ўхшаш мифологик маъно касб этадиган анъанавий образларни ҳам учратиш мумкин. Бу образлар шоир ўз даврининг кўринишлари, муаммолари ҳақида ўйлаганда маълум эстетик ғояларни амалга ошириш мақсадида қўлланилади.

Мифологиянинг таъсирини XV аср шоири Дурбек ижодида ҳам кўриш мумкин. Ўзининг машҳур “Юсуф ва Зулайхо” достонида шоир муқаддас китобимиз Куръонда берилган Юсуф пайғамбар сюжетиغا мурожаат қилади. Мистика ва реаллик кесишмасида шоир диний мусулмончилик қонуниятларига таянадиган фалсафий-этик концепцияни илгари суради. Бунақа мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунини айтиш лозимки, ўзининг шаклланишида ҳар бир адабиёт ўз халқининг мифлари ва масалларига таянади. Бу нарса, айниқса, адабиёт ривожланишининг бошланғич даврида яққол намоён бўлади.

Иккинчи боб **“Ўрта эпик жанрларда миф ва унинг поэтикасидан функционал фойдаланиш”** деб номланиб, унга фақат ўз ичига олган ҳамда миф ва унинг поэтикасини Ш.Рашидов, Ч.Айтматов, О.Бокеев ва Т.Зулфиқоров қаламига мансуб қисса ва дoston каби ўрта эпик жанрлар асосида ўрганишга бағишланган.

¹⁰ Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. - С.339.

¹¹ Баласагунский Юсуф. Благодатное знание. - М.: Наука, 1983. – 562 с.

Миф поэтикасини қўлланилиши Ш.Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи”, “Икки дил достони” асарлари тадқиқида кўриб чиқилади;

Ч.Айтматовнинг “Оқ кема”, “Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссаларида миф ёрдамида муаллифнинг қаҳрамонлар ички руҳий дунёсига кўчиб ўтиши, шунингдек, инициация (овчиликка қабул қилиш) маросимидан фойдаланиши таҳлил қилинади;

О.Бокеевнинг ёлғизлик мифологемасига мурожаат қиладиган “Буғу – Одам” асари;

ёзувчи Т.Зулфиқоровнинг “Баҳром-Гўр Сососнийнинг ови” достонида миф поэтикаси кўмагида вақтнинг йўқлиги, фақат абадият борлигига ишора қилиши масалалари устида баҳс юритилади.

2017 йил 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Шароф Рашидов ўзбек халқининг ҳақиқий ўғли эди, ўзбек маданияти ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди.

Ш.Рашидов ўзининг “Кашмир кўшиғи”, “Икки дил достони” қиссаларида мифологияга мурожаат қилади.

“Кашмир кўшиғи” асарида Шароф Рашидов миф поэтикаси орқали ҳаёт ва мамот билан боғлиқ асрий фалсафий масалалар ҳақидаги ғояларни илгари суради. Адиб миф поэтикаси учун характерли бўлган – рамзийлик усулидан фойдаланади. Ушбу усул ёрдамида Яхшилик рамзлари бўлмиш Наргис, Бамбур, Атиргул, Лола, Наврузгул ҳамда Бўрон, Хоруд, Шамол сингари мифологик образлари талкинлари яратилади.

1959 йилда Ш.Рашидов В.Виткович билан ҳамкорликда мумтоз Шарқ адабиётининг ёрқин намояндаси Бедил қаламига мансуб “Комде ва Модан” достони мотивлари асосида “Икки дил достони” номли мифологияга асосланган лирик киноқиссани яратишди.

Мифологик мотивлар орқали ёзувчи севги, дўстлик ва садоқатнинг ёвузлик, адолатсизликдан устунлигини кўрсатишга интилади, бу эса асарнинг асосий ғояси бўлиб ҳисобланади. Ўз ғоясини амалга ошириш мақсадида Ш.Рашидов миф поэтикасига мурожаат қилиб уни кенг қўллайди.

Инсонларнинг тотемистик тасаввурларига таянган ҳолда, бинар яъни икки томонлама мантиқ ёрдамида ҳайвонлар ёки ўсимликлар кўринишидаги рамзий қаҳрамонларнинг ижод этилиш усули Ш.Рашидовнинг “Кашмир кўшиғи” ва “Икки дил достони” асарларида яққол ўз ифодасини топган деган хулосага имкон беради.

2018 йилнинг 2 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори имзоланди. Чингиз Айтматовнинг ижоди дунё адабиётида алоҳида ўрин тутади ва Ўзбекистонда жуда қадрланади.

Шуни таъкидлаш керакки, мифологизация поэтикаси Ч.Айтматов ижодида ғоят муҳим аҳамияга эга ва унинг асарлари Марказий Осиё халқлари адабиётида ушбу аънанани шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Ч.Айтматов ўз асарларини миф поэтикаси билан бойитиб, бизга табиат билан яқинлигимизни эслатувчи ҳолатларни уқтиради, баъзида эса инсоннинг шоҳона қилиқларини қоралайди, ҳалоллик, оддий ахлоқий меъёрлар бўлмиш меҳрибонлик, фидойилик ҳислатларининг бузилишини ачиниш билан танқид қилади. Бу жиҳатлар “Оқ кема” қиссасида яққол акс этади.

“Соҳил ёқалаб чопаётган олапар” қиссасида бадий замон циклик абадий вақт бўлиб, бу мифологик маконда ҳамма нарса бир: инсон ва табиат, ҳаёт ва ўлим. Ёзувчи томонидан қаҳрамонларнинг ҳаракати ва ҳаёти табиатнинг умумий циклига киритилади. Шу билан бирга, ернинг яратилиши ва Лувр ўрдак ҳақидаги этиологик миф алоҳида аҳамият касб этиб, қиссани рамзий даражага чиқаради.

Объектларни жонлантириш ва метафорик таққослашлар мифопоэтик анъанаси учун энг типик усулдир. Қайиғига жонликдек мурожаат қилиб, Ўрхон бобо: “Сени яхши кўраман ва сенга ишонаман, иним, - дерди у қайиққа. - Сен денгизнинг тилини биласан, тўлқинлар феълени биласан! Кучли эканлигинг ҳам шунда-да. Сен муносиб қайиқсан, ясаган қайиқларим ичида энг дилбарисан. Сен улкан қайиқсан - иккита лахтак, яна бир нерпа сиғади сенга. Сен бизга ризқ-рўз берасан. Шунинг учун сени ҳурмат қиламан”¹².

Қиссанинг финал қисмида ҳаёт ва ўлим оппозицияси абадий курашининг мотивида собит бўлиб, бу эпизод тарихнинг яна бир босқичи тугаганидан ва инсоният учун қолдирилган сабоқлардан далолат беради: юксак ахлоқий сабоқлар, келажак учун фидойилик - Инсонни инсон қиладиган мангулик қонунларидир.

О.Бокеев ўз асарларида сюжет-композицион қурилишини ташкил қиладиган ёлғизлик ҳолатини мисол қилиб келтиради ва бу қиссанинг қаҳрамонлари характерлари ва уларни ўраб турган муҳитнинг муҳим белгиларини очишда асосий пулсация қилувчи бўғин бўлиб хизмат қилади. Шундай тартибда “Буғу Одам” қиссасида бу ҳолат тасвирланган: Олтмишта уйдан иборат Аршали овули ҳаёт белгиларининг йўқлиги ва жимжитлик билан ҳайратда қолдиради. Одамлар цивилизация афзалликларини танлаб, марказдаги уйларга кўчиб кетишди. “Бўш уйлар ўликдай туюлади, катта аҳоли маскани эса қабристонга ўхшайди... ва тутун чиқадиган ягона уй - ташлаб кетилган кишлокни кўриқлаш учун соқов онаси билан қолган Актанга тегишли”.

Агар табиат жонлантирилган бўлса, қаҳрамоннинг тасвири кўпинча мифопоэтик бўёқлар ёрдамида яратилади: “Буғу Одамнинг қалби ноаниқ умидлар билан гуллаб-яшнаган ва у ўзини эски ўчоқларга одамларни қайтарадиган ва ўлик уйларга тезда руҳни қайтариб берадиган сеҳрли кучнинг эгаси сифатида тасаввур қилади”¹³.

¹² Айтматов Ч. Соҳил бўйлаб чопаётган олапар. - https://n.ziyouz.com/books/jahon_nasri


¹³ Бокеев О. Человек-Олень [Текст]: повести, рассказы / Оралхан Бокеев. - Астана: Аударма, 2011.- 568с. – В режиме доступа: <http://www.many-books.org>.

Қиссадаги Уй ёрқин ва сиғимли метафора, инсон тақдирининг тимсоли бўлган архетипдир.

Т.Зулфиқоров асарларида мифнинг тузилиши бадиий қурилишнинг ритмини акс эттиради. Бунинг сабаби мифларда “ритмик база” мавжудлиги билан боғлиқ. О.М Фрейденберг таъкидлаганидек: “Мифлар шакл жиҳатдан ритмга эга; улар қанчалик қадимги бўлса, шунчалик ритмга яқин, уларда шунчалик кўп ритм бор,.. Қадимги образлиликнинг асосий кутбланиши нафақат нарсалар, сўзлар ва хатти-ҳаракатларнинг семантикасига, балки уларнинг ҳақиқий расмий асосига, ритмига ҳам таъсир қилади”¹⁴. Ритм динамикаси шунчаки сўз, иборани англамаслиги мумкин, чунки сўзларни жумлалар, гапларга бириктириб, уларнинг орқасида турган, ифодалаш мумкин бўлмаган нарсани тасвирлаш учун хизмат қилади.

Т.Зулфиқоров “Шох Баҳром-Гўр Сосонийнинг ови” достонида Фирдавсийнинг “Шохнома”сидаги мифологик сюжетига муурожаат қилади. Агар Фирдавсийнинг Баҳром-Гўр ҳақидаги ҳикояси ҳукмдорнинг вазифасини тушуниш учун зарурати бўлса, Тимур Зулфиқоровни, авваламбор, маънавий муаммолар жалб қилади: дўстлик, хиёнат, севги, гуноҳкорлик ва айбсизлик шулар жумласидандир. Достоннинг реал вақт чегаралари чекланмаган, ўтмиш ва ҳозирги замон космосда абадий бирлик сифатида намоён бўлади. Ёзувчи тарихий даврларни тасвирлаб, актуаллаштиради, уларнинг ўтмиш деган тушунчасини йўқ қилади, бу эса унга бир вақтнинг ўзида миф поэтикасидан, мифологик бадиий маҳоратдан уйғунлик билан фойдаланиш имконини беради, бунда вақт йўқ, фақат абадийлик.

Юқорида қайд этилган ўрта эпик асарлар таҳлили жараёнида миф поэтикасидан фойдаланилишнинг қуйидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлари аниқланди. Авваламбор, булар миф поэтикасининг етакчи элементларидан бўлган бинар оппозицияларидир. Бинар оппозициялари бир қатор компонентларида намоён бўлади:



¹⁴ Фрейденберг О.М. Миф и литература древности. - М.: Наука, 1998. - С. 55-56.

Бинар оппозициялари таҳлил қилинган асарларнинг барчасида кузатилса, улар билан бир қаторда асарларнинг баъзиларида миф поэтикасининг муқаддаслаштириш (“Икки дил достони”, “Буғу Одам”), композицион параллелизм (“Оқ кема”, “Шох Бахром-Гўр Сосонийнинг ови”) ҳамда даврийлик (“Икки дил достони”, “Соҳил ёқалаб чопаетган олапар”, “Шох Бахром-Гўр Сосонийнинг ови”) сингари элементлари кўзга ташланади:



Ундан ташқари тадқиқ натижасида Шароф Рашидов, Чингиз Айтматов ва Оралхан Боқеевларнинг ўз асарларида миф поэтикасининг элементларидан бўлган антропоморфизм (жонлаштириш) ҳодисасини қўллаганликлари ҳам аниқланди:

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Тавсифлашнинг роман шаклида мифлардан фойдаланишнинг функционалиги”** деб номланади ва тўрт фаслга бўлинади ҳамда роман жанрида миф поэтикасининг Ч.Айтматов, А.Мухтор, А.Алимжанов ва Р.Эсеновларнинг асарларида қўлланилишини таҳлил қилишга қаратилган.

Циклик (даврийлик) мифнинг асосий вақт ўлчовидир. Ана шу нуқтаи назаридан Ч. Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” романида вақт - даврийдир. Мифнинг романдаги асосий вазифаси унинг абадийликка дахлдорлиги, ҳар қандай тарихий даврда, дунёнинг исталган нуқтасида биз учун зарур бўлган мавжудот тоифалари ҳақида фикр юритишдир. Миф, илмий фантастика билан бир қаторда, космик-вақт тушунчасини чексизлигини кенгайтиришга имкон беради. Бунда бир кун бир асрга тенгдир.

Қаҳрамонларнинг характерларини очиш учун ёзувчи кўпинча мифларда учрайдиган адабий туш мотиви техникасига мурожаат қилади.

Биринчи туш - Укубала тушида олтин мекрени кўрганда, бу вақтда у ҳомиладор эди, яъни аёлнинг ҳаётида ҳал қилувчи босқич эди бу.

Иккинчи туш романда қаҳрамон учун қийин пайтларда берилган, Эдигей ҳолатининг ноаниқлигидан ўзига жой тополмайди, Зарипага бўлган севгиси

ҳақида қандай гапириш ва хотинига нима дейиш кераклигини тўхтовсиз уйлайди. Қахрамоннинг ҳолатини янада чуқурроқ англаш мақсадида романда бастакор Раймали оғанинг ёш кўшиқчи Бегимойга бўлган муҳаббати ҳақидаги афсона келтириб ўтилади.

Ёзувчи томонидан роман матнига киритилган кейинги миф - Дўнанбой ҳақидаги миф бўлиб, у асарда асосий ўринни эгаллайди. Унинг баён қилишдаги ўзига хос вазифалари - қарама-қаршилик, Ч.Айтматовнинг романда кўядиган асосий муаммо - хотира муаммоси ёритилишининг кўп қиррали эканлиги. Дўнанбой куши мифи атрофида тўпланган бадиий нисбийликнинг барча шакллари, аниқроғи, инсоният хотирасини ва умуман, инсониятни ўтмиш, ҳозирги ва келажак истиқболлари нуқтаи назаридан бу муаммоли масалани янада кучайтирган.

“Қиёмат” романи Мўйинкумларда содир бўлган фожеа асосида бўриларнинг мавзуси билан бошланади. Шу билан бирга, мифопоэтик анъаналарга риоя қилган ҳолда, муаллиф Акбара ва Тошчайнар жуфтлиги нуқтаи назаридан кутилмаган бир бурчак остида воқеаларни намоёйиш этади.

